

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2026 йил март ойининг 13 куни, жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Й.Рахмонов, судья ёрдамчиси Н.Тулянованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўрғонтепа туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Ғофирдинов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси “Nur ziyo femida” адвокатлар ҳайъати адвокати Д.Улуғбеков, жабрланувчининг вакили З.Алламова, З.Мирзаеваларнинг иштирокида, [REDACTED] га оид 1-1709-2601/27-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED]  
1993 йил 29 сентябрда Қўрғонтепа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, Қўрғонтепа тумани, [REDACTED] -хонадонда яшайди, 2026 йил 27 январь куни гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 31 январь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг вакиллари ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга ҳолисона баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2025 йил 12 октябрь куни соат 18<sup>30</sup> ларда бошқарувидаги Нексия русумли, 60 А 441 СА давлат белгили автотранспорт воситасини Қўрғонтепа тумани, Янги ҳаёт МФЙ ҳудудидан ўтган “Савай-Ойим” автомобиль қатнов йўлининг “Савай” йўналишида бошқариб кетаётиб, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 11-банди “г” кичик бандида транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шартлиги, 77-бандида ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишини ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши, транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериш, аниқлай олиши имкониятида бўлган



хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашувчилари учун ҳавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак деб кўрсатилган қоидаларни кўпол равишда бузиб, йўналишни ўнг томондан йўлни чап томонига кесиб ўтаётган велосипедчи У.Мирзаевни автомашинанинг олд томони билан уриб юбориб, У.Мирзаевни шифохонада вафот этишига сабабчи бўлган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 3 ноябрь кунги 45-сонли хулосасига кўра, У.Мирзаевга “қўш жароҳат бош мия очиқ жароҳати, бош гумбаз, асос суяқларини кўплаб парчаланиб, нотўғри чизикли синиши, бош мия ярим шарлари, мия қоринчаси, бош мия қаттиф пардаси, бош мускул тери остига қон қуйилиши, мия қаттиқ пардасини лат еб йиртилган жароҳати. Кўкрак қафаси ёпиқ шикасти, ўпкаларини лат еб қон қуйилиши, ўнг томонидан ўрта ўмров чизиғи бўйлаб (3,4,5,6) чи қовурғаларини синиши, атроф юмшоқ тўқималарига қон қуйилиши, бош чакка тепа соҳасини лат яраси, чап кўз қовоқлари, ўнг қўл кафтидаги қонталаш жароҳатлари ўткир юрак қон томир ва нафас етишмовчилиги” каби ҳаёт учун ҳавфлилик мезонига кўра оғир тан жароҳати олганлиги, ушбу жароҳатлар унинг ўлимига сабаб бўлгани аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, Нексия русумли, 60 А 441 СА давлат белгили автотранспорт воситасини А.Рахимовдан сотиб олиб, аҳолига пуллик транспорт хизматини кўрсатиб келишини, 2025 йил 12 октябрь куни соат 18<sup>15</sup>ларда Бекжан такси орқали Қўрғонтепа туман, Кўтқар маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан буюртма тушгани, буюртмага асосан манзилга борганида бир аёл қон босими ортгани сабабли Қўрғонтепа туман шошилинич тез тиббий ёрдам бўлимига олиб боришини айтгани, сўнг аёлни олиб автотранспорт воситасини Қўрғонтепа тумани, Янги ҳаёт МФЙ ҳудудидан ўтган “Савай-Ойим” автомобиль қатнов йўлининг “Савай” йўналишида бошқариб кетаётган вақтида йўл четида йўлнинг ўнг томонидан кейинчалик таниган марҳум У.Мирзаев велосипедини ҳайдаган ҳолда йўлнинг қарама-қарши томонига ўтиши учун ҳаракатланиб юборгани, ўша вақтда марҳум У.Мирзаев йўналишига чиқиб юборгани, оралиқ масофа қисқа бўлгани сабабли марҳум У.Мирзаевни автомашинасининг ўнг олди томони билан уриб юборгани, сўнг уни автомашинасига чиқариб Қўрғонтепа туман шошилинич тез тиббий ёрдам бўлимига олиб боргани, шифокорлар томонидан олиб борилган муолажаларга қарамасдан У.Мирзаев вафот этгани, марҳумнинг оиласидан кечирим сўрагани, марҳум У.Мирзаевнинг оила-аъзоларига моддий томондан ёрдам бергани, келгусида ҳам ёрдам бериб боришини, қилмишидан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчилигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчининг вакили З.Алламова суд мажлисида, марҳум У.Мирзаев турмуш ўртоғи бўлишини, турмушлари давомида бир нафар фарзанди бўлишгани, марҳум турмуш ўртоғи устачилик билан шуғулланиб келгани, 2025 йил июль ойида турмуш ўртоғи У.Мирзаев билан ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабабли жанжаллашиб, қизлик уйига кетиб қолгани, ўша ерда ўғли билан бирга яшаб келгани, 2025 йил 12 октябрь куни соат 20<sup>00</sup>ларда уйига қайинсинглиси З.Мирзаева келиб турмуш ўртоғи У.Мирзаевни



Кўрғонтепа тумани марказида йўл транспорт ҳодисасига учраб вафот этганини айтгани, кейинчалик таниган И.Соипжонов 2025 йил 12 октябрь куни соат 18<sup>30</sup> ларда бошқарувидаги Нексия русумли, 60 А 441 СА давлат белгили автотранспорт воситасида турмуш ўртоғи У.Мирзаевни уриб юбориб, унинг ўлимига сабабчи бўлганини билгани, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчининг вакили З.Мирзаева суд мажлисида, марҳум У.Мирзаев акаси экани, 2025 йил июль ойида акасининг турмуш ўртоғи З.Алламова ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабабли уйига кетиб қолгани ва ўша ерда яшаётгани, акаси У.Мирзаев яшаш хонадонида бир ўзи яшаб келгани, 2025 йил 12 октябрь куни 12<sup>00</sup>ларда онаси билан бирга опасини набирасини йўқлагани кетишаётган вақти марҳум акаси У.Мирзаев онасининг уйида иш қилаётган бўлгани, опасининг уйдан қайтган вақтида акаси велосипедида кўчада ишлари борлигини айтиб чиқиб кетгани, шу куни соат 19<sup>30</sup>ларда жияни кўнғироқ қилиб, марҳум акаси У.Мирзаев йўл транспорт ҳодисаси натижасида вафот этганини айтганида, келинойисини уйига бориб унга акаси вафот этганини айтгани, сўнг Кўрғонтепа туман шошилинич тез тиббий ёрдам бўлимига келганида акаси вафот этганини кўргани, кейинчалик таниган [REDACTED] 2025 йил 12 октябрь куни соат 18<sup>30</sup> ларда бошқарувидаги Нексия русумли, 60 А 441 СА давлат белгили автотранспорт воситасида акаси У.Мирзаевни уриб юбориб, унинг ўлимига сабабчи бўлганини билгани, [REDACTED] нинг оила-аъзолари томонидан моддий ёрдам берилгани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Нуманов суд мажлисида, Кўрғонтепа тумани ИИБ ЙХХГ инспектори вазифасида ишлаб келишини, 2025 йил 12 октябрь куни Кўрғонтепа тумани ИИБ навбатчилик қисмидан хабар берилиб, кейинчалик таниган [REDACTED] бошқарувидаги Нексия русумли, 60 А 441 СА давлат белгили автотранспорт воситасини Кўрғонтепа тумани, Янги ҳаёт МФЙ ҳудудидан ўтган “Савай-Ойим” автомобиль қатнов йўлининг “Савай” йўналишида бошқариб кетаётиб, йўлнинг ўнг томондан йўлни чап томонига кесиб ўтаётган велосипедчи У.Мирзаевни автомашинанинг олд томони билан уриб юбориб, У.Мирзаевни шифохонада вафот этганини айтишгани, сўнг ИИБ тергов тезкор гуруҳи билан биргаликда воқеа жойига чиқиб ҳолатни ўрганишгани, ушбу қатнов йўли текис ва равон бўлиб барча йўл белгилари ўрнатилгани, ёритиш чироклари ўрнатилган ҳолатда бўлгани, ҳодиса содир бўлган жойнинг чизмаси ўзи томонидан чизилганини билдириб кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] нинг айби, унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, ҳодиса жойни кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган фотолавҳалар, ҳодиса содир бўлган жойнинг чизмаси, суд-тиббий, суд-транспорт трассалогия экспертиза хулосалари, эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарор, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотолавҳалар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда иш бўйича тўпланган мақбул далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд



мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчини қилмишини квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, судланувчи [REDACTED]нинг транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, 2025 йил 12 октябрь куни соат 18<sup>30</sup> ларда бошқарувидаги Нексия русумли, 60 А 441 СА давлат белгили автотранспорт воситасини Қўрғонтепа тумани, Янги ҳаёт МФЙ ҳудудидан ўтган “Савай-Ойим” автомобиль қатнов йўлининг “Савай” йўналишида бошқариб кетаётган, йўналишни ўнг томондан йўлни чап томонига кесиб ўтаётган велосипедчи У.Мирзаевни автомашинанинг олд томони билан уриб юбориб, У.Мирзаевни шифохонада вафот этишига сабабчи бўлган бўлганликда ифодаланган ҳаракати ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги;

8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддасининг 2-қисмида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини ҳамда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиниши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги Қарорининг 6-бандида судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан



қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қарори 25-бандида судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндашув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг:

1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

4-бандида “Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт.” деб;

11-бандида, суд биринчи марта жиноят содир этган шахсга қонун санкцияси доирасида енгилроқ жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиши лозимлиги; тайинланган жазо жиноятнинг оғирлиги ва маҳкумнинг шахсига мутаносиблиги синчиклаб текширилиши лозимлиги, суднинг содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарар миқдори, айбланувчининг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, айблов ҳажми, айб шакли ҳақидаги хулосалари нотўғри деб топилган



ва шу муносабат билан ҳукмга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, апелляция ва кассация инстанцияси суди ўз қарорини асослантирган ҳолда маҳкумга нисбатан тайинланган жазони енгиллаштириш масаласини муҳокама қилиши шартлиги;

26-бандида, “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда - ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади.” деб;

37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйҳати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED]нинг айбига тўлиқ иқдорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, жабрланувчи вакилларининг даъвоси йўқлигини, оилада ягона боқувчилигини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи [REDACTED]га жазо тури ва миқдорини тайинлашда, юқоридаги қонун талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, жабрланувчини қонуний вакилларининг унга нисбатан моддий ва маънавий зарар масаласи бўйича даъвоси йўқлигини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган қатъий фикрга келиб, ЖКнинг 45, 57-моддаларини қўллаб, муайян



ҳуқуқдан, яъни барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муддатини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, жазо муддатини [REDACTED] жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисобланишини белгилашни, жазо ижросини назоратини Қўрғонтепа туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатишни белгилашни;

- ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг [REDACTED] га нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилишни, “гаров” эҳтиёт чораси учун Андижон вилоят ИИБнинг “Invest finance bank” АЖ Андижон вилоят филиали ҳисоб рақамига топширилган 8.400.000 сўм пул маблағларини гаров қўювчи [REDACTED] ни ўзига қайтаришни;

- судланувчи [REDACTED] га нисбатан жабрланувчининг вакили З.Алламова, З.Мирзаеваларнинг даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED]  
[REDACTED]) Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 45, 57-моддаларини қўллаб 2 (икки) йил муддатга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати [REDACTED] жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин, ижросини таъминлаш Қўрғонтепа туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

[REDACTED] вга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин, “гаров” эҳтиёт чораси учун Андижон вилоят ИИБнинг Андижон шаҳар “Invest Finance Bank” АЖ Андижон вилоят филиали ҳисоб рақамига топширилган 8.400.000 сўм пул маблағлари гаров қўювчи [REDACTED] ни ўзига қайтарилсин.

Судланувчи [REDACTED] га нисбатан жабрланувчининг вакиллариининг даъволари йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчининг вакиллари ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга



киргандан сўнг кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

Хукм нусхаси аслига тўғри

**Жиноят ишлари бўйича**

**Қўрғонтепа туман судининг раиси**

ИМЗО

**Й.Рахмонов**

**Й.Рахмонов**

